



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлиб турибди.

Кенгашнинг биринчи саммити АҚШ Тинчлик институтида бўлиб ўтади ҳамда Ҳазо секторини тиклаш, унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланади. Ўзбекистон етакчиси ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Американинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги стратегик лойиҳалар тақдироти ҳамда иқтисодий соҳага оид икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамыз, Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ўзбекистон жорий йил январь ойида Швейцариянинг Давос шаҳрида унга таъсисчи давлат сифатида қўшилди.

Ушбу QR орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида ташрифи ҳамда Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштироки тафсилотлари билан батафсил танишинг:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича муурожаат қилишлари мумкин.



РАМАЗОНДА

кўп асрлик қадриятлар мужассам

Агар халқимиз биргалашиб саҳарлик ва ифторликларда юрт, Ватан, Юртбоши ҳақида дуолар қилаверса, юртимиз равақли, фаровон кунларимиз бундан-да зиёда бўлиши шубҳасиз. Рамазонда энг катта ютуғимиз ҳам мана шу саҳарлик ва ифторлик кезларида қилган хайрли дуоларимиз билан бўлади, иншааллоҳ.

3-саҳифада ўқинг >>>

ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА РАМАЗОН ОЙИДА МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорни қабул қилди.

Ҳужжат мазмуни билан танишиш учун ушбу QR кодни сканер қилинг:

ТАЛАБАЛАРГА ҲАМ СУЮНЧИ ПУЛИ БЕРИЛАДИМИ?

Мазкур QR код орқали ушбу саволнинг жавобин билиб олинг:

Фаолият

«Navoiyazot» акциядорлик жамиятида 2024-2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси доирасида конференция ўтказилди. Унда ишлаб чиқариш цехларидан сайланган 200 нафар делегат иштирок этди.

ХОДИМЛАР ИШ БЕРУВЧИ ВА КАСАБАҚЎМДАН МИННАТДОР

Корхона бошқаруви раиси Фаррух Самадов ва касаба уюшмасы қўмитаси раиси Феруза Файзиева ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар.

Таъкидланганидек, жамоа шартномаси орқали қўллаб масалалар ижобий ечим топмоқда. Бу нафақат меҳнат муносабатларини самарали ташкил этиш, меҳнат шaroитларини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, балки барқарорлик ва меҳнат жамоаларида ҳамжиҳатликни таъминлаш имконини ҳам бермоқда.

Конференцияда 2024-2026 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши якунилари бўйича маъмурият ва касаба уюшмасы қўмитаси ҳисоботлари билан бир қаторда, ижтимоий меҳнат масалалари бўйича далолатномаси ҳам эшитилди.

Шундан сўнг Жамоа шартномасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берилди.

Конференция делегатлари «Navoiyazot» АЖ жамоа шартномасининг 2025 йилда бажарилиши борасида иш берувчи ва касаба уюшмасы қўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилган ишларни бир овоздан қониқарли, деб баҳоладилар ҳамда жамоа шартномасига киритилган имтиёзларни маъқуладилар.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар маъмурият ва касаба уюшмасы қўмитасига миннатдорлик билдиришди.

Ўз мухбиримиз



ХАР БИР ХОДИМНИНГ СОЎЛИҒИ БИЗ УЧУН МУҲИМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши тўрт кунлик ўқув-семинар ташкил этди. Унда 233 та аъзо ташкилотнинг меҳнатни муҳо-

фаза қилиш мутахассислари ва масъул ходимлари қатнашдилар. Ўқувда, айниқса, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси, Давлат муас-

Ўқув

сасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси, Ахборот-кутубхона маркази мутахассислари жуда фаол бўдилар.

– Ҳар бир ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи биз учун муҳим, – дейди Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби бошланғич касаба уюшмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъул ходими Эътиборхон Раҳимова. – Шунинг учун меъёрий ҳужжатлар, қонун-қоидалар ҳамда тегишли йўриқномаларга қатъий амал қилишимиз зарур.

Бердимурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши мутахассиси



ЯНГИ ҚАРОР ЯРАТАЁТГАН ШАФФОФ ТАРТИБ

ходимлар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади

Вазирлар Мақамасининг 2025 йил 17 декабрдаги 796-қарори меҳнатга лаёқатсизлик билан боғлиқ тўловлар тизимида муҳим янгилликларни белгилаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2026 йил 1 июлдан бошлаб, ҳомиладорлик ва туғуруқ нафақаларини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби янгича ёндашув асосида амалга оширилади. Шунингдек, меҳнатга лаёқатсизлик – касалик варақаси бўйича тўловларни ҳисоб-

лаш механизми ҳам янги тартиб асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Янгиланган тизим, аввало, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Айни чоғда, ҳисоб-китобларда шаффофликни таъминлаш, иш берувчилар ва ҳисобчилар фаолиятини соддалаштириш мақсадини кўзда тутган. Энди тўловларни ҳисоблашда ягона механизмлар қўлланилади, ҳужжатларни расмийлаштиришда эса аниқлик ва тизим-

лилик устувор тамойилга айланади. Бу тушунмовчиликлар, турлича талқинлар ва баҳсли ҳолатлар камайишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси ушбу ўзгаришларни ижобий баҳоламақда. Мутахассислар фикрича, янги тартиб ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга, меҳнат муносабатларида адолатли ёндашувни мустаҳкамлайди. Айниқса, ҳомиладорлик ва

Тушунча

туғуруқ даврида аёлларга бериладиган нафақалар юзасидан аниқ ва тушунарли механизмлар жорий этилиши катта аҳамиятга эга.

Сирасини айтганда, мазкур қарор билан киритилган ўзгаришлар ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Уларнинг самарали ижроси ходимлар, иш берувчилар ва бухгалтерлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, меҳнат муносабатларида очиқлик ва адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зарафат ИБРАГИМОВА,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши молия бўлими мудири

Жамоатчилик назорати

МАҚСАДИМИЗ – ХАВФСИЗ МЕҲНАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

лай оляптими? Тадбирда шу саволга асосий уруғ берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп ҳолларда муаммо ҳужжат йўқлигида эмас, балки назоратнинг формал тус олишидадир. Ҳолбуки, жамоатчилик назорати иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги масъулият кўпирги бўлиши керак.

Вилоят кенгаши меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев семинарда масаланинг энг нозик жиҳатига тўхталиди:

– Назорат деганда кўпчилик текширув ва жазони тушунади. Аслида эса жамоатчилик назоратининг асосий вазифаси – бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш. Биз ҳужжат тўплаш учун эмас, инсон ҳаётини ҳимоя қилиш учун ишлаймиз керак. Агар ҳар бир ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик инспектори фаол ишласа, хавфли вазиятлар барвақт аниқланади ва бартараф этилади. Жамоатчилик назорати яхши ташкил этилган жойда бахтсиз ҳодисалар камайди, ходим

ўзини ҳимояланган ҳис қилади. Бизнинг мақсадимиз айнан шу муҳитни шакллантиришдан иборат, – деди у.

Семинар давомида қарор ва низом талаблари, кўрик-таълиқ тақдим этиладиган ҳужжатлар, баҳолаш мезонлари ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, мутахассислар томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришда йўл қўйилаётган хатолар, ички назорат тизимини кучайтириш, хавф-хатарларни баҳолаш усуллари бўйича амалий тавсиялар айтиб ўтилди.

Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар ўз соҳаларида учраётган муаммоларни очиқ баён этишди. Бу эса семинарни бир томонлама маъруза эмас, балки жонли мулоқот майдонига айлантирди.

Гап инсон ҳаёти ҳақида борар экан, иш жойидаги хавфсизлик инсон тақдири учун жуда ҳам муҳим ва у ҳар қандай қарор ёки низомдан устундир.

Дилдора ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»

Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл.

Баҳоуддин Нақшбанд

ИЛМ ВА АЁЛ: БАРҚАРОР ЖАМИЯТ САРИ

лойиҳа доирасида амалий машғулотларни мунтазам равишда ташкил этиб боришга келишиб олинди. Шунингдек, 2025-2026 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби, 106/22-гуруҳ талабаси Нигора Мақсудова ҳамда Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби, 101/22-гуруҳ талабаси Сарвинозхон Базарова билан академия талабалари учрашуви бўлиб ўтди. Унда совриндор талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари муносиб рағбатлантирилди.

Лойиҳа доирасида ўтказилган яна бир тадбир – юридик фанлар доктори, профессор Мавжуда Ражабова билан ташкил этилган давра суҳбатида академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, иқтидорли талаба-ёшлар ҳамда турли соҳаларда самарали фаолият олиб бораётган олима ва мутахассислар иштирок этдилар. Мавжуда Ражабова ўзининг бой ҳаётий тажрибаларини талабалар билан ўртоқлашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг замонавий илм-фан соҳасида салоҳиятларини намоён этишлари учун яратилаётган кенг имкониятлар натижа-сида уларнинг таълим, рақамли технологиялар ва инновациялар соҳасида эришаётган ютуқлари, илмий изланишлари натижа-сида жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни алоҳида таъ-

кидладилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Тадбир доирасида муваффақиятли илмий фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи аёллар ҳамда илмий-ижодий ютуқларга эришган талаба-қизлар фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Очиқ мулоқот ва тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган «Илм ва аёл: барқарор жамият сари» мавзусидаги тадбирлар илм-фан тараққиётида аёлларнинг ўрни бекиёс эканини яна бир бор тасдиқлади. Ҳафталик доирасида академияда фаолият юритиб, докторлик диссертациялари устида ишлаётган докторант ва тадқиқотчи аёллар, таълимнинг бакалаврият йўналишида ўқиб, самарали изланишлар олиб бораётган иқтидорли талаба қизлар иштирокида «Ўзбекистон ёш олима қизлари – Учинчи Ренессанс бунёдкорлари» мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда илмий-тадқиқот ишларини бошлаётган талаба қизларга зарур тавсия ва маълумотлар берилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

Фикр

Янги Ўзбекистонда юритилаётган сиёсат марказида инсон ту-рибди. Унинг энг ёрқин ифодаси эса маҳалла тизими фаоли-ятида намоён бўлмоқда. Зотан, бугун маҳалла оддий ҳудудий бирлик эмас, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон қадрини улуғлашга хизмат қилувчи муҳим ижтимоий институтга айланди. 2026 йил «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилиниши сўзимиз тасдиғидир.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН МАСКАН

Сўнгги пайтларда маҳалла-ларда ижтимоий ҳимоя тизими янги босқичга кўтарилди. Кредит, субсидия ва компенсация каби қўмақлар маҳалланинг ўзида расмий-лаштирилаётгани натижасида минглаб оилалар ўз даромад манбаига эга бўлди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» каби тизим-лар орқали эҳтиёжманд оила-лар аниқланиб, уларга моддий ёрдам, касб-хунар ўргатиш ва иш билан таъминлаш чора-лари кўрилмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимоянинг манзилли ва самарали бўлишини таъминла-моқда.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ҳамда халқимизга йўллаган Мурожа-атномасида келтирган рақам-лар ҳам бу ишларда маҳал-ланинг муҳимлигини яққол кўрсатади. Хусусан, бултур 5 миллионга яқин фуқаро даро-мадли бўлгани, 1,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқа-рилгани, юз минглаб болаларга таълим ва ижтимоий имтиёз-лар берилгани маҳалла орқали инсонга эътибор ортиб бораёт-ганидан далолат беради.


Жорий йилда 1 миллион аҳолини иш билан таъминлаш, юз минглаб оилаларни кам-бағалликдан чиқариш каби ва-зифалар белгилаб олинди. Энг муҳими, маҳаллада ижтимоий ҳимоя фақат моддий ёрдам би-

лан чекланмапти, балки, аҳо-лини касбга ўқитиш, тадбир-корликка жалб этиш, микросе-ноат ва сервис лойиҳаларини ривожлантириш орқали барқа-рор даромад манбалари яра-тилмоқда. Бу эса инсоннинг ўз кучига ишончи ортишига, оила фаровонлиги яхшиланishiга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, маҳалла жамоатчилиги назоратининг муҳим бўлинидир. Фаоллар, нурунийлар ва жамоатчилик иштирокида оилалар муаммо-лари ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу жамиятда ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъулият муҳитини му-стаҳкамламоқда.

Албатта, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш за-рурати ҳам мавжуд. Чунончи, айрим ҳудудларда масъуллар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш, ижтимоий хизмат-лар қамровини кенгайтириш ва рақамли тизимларни ривож-лантириш долзарб вазифа бў-либ қолмоқда. Шундай экан, бир ҳақиқатни унутмаслик жоиз: маҳалла ривожланса, ин-сон қадрли юксалади. Инсон қадрли юксалган жамиятда эса барқарор тараққиёт ва фаро-вонлик бўлади.

Алишер БОТИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси



САВОЛ: Кўп қаватли уй-нинг тепа қаватида яшай-миз. Ёғингарчилик пайт-лари томимиздан чанка ўтади. Уни таъмирлаш ҳақида бошқарувчи ком-панияга қилган мурожа-атларимиз жавобсиз қол-япти. Шу бос уни судга берсам бўладими?

Феруза ҚАМБАРОВА
Тошкент шаҳри

ХАР БАҲОР ШУ БЎЛАР ТАҚРОР

ЖАВОБ: Ўз мажбурия-тини бажармаётган компа-ния устидан судга давто-ариза киритишга ҳақли-сиз. Аммо қуйидаги бир қатор таомилларни амалга ошириб, кейин судга ариза топширсангиз, максадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бошқарувчи компанияга уй томини таъмирлаш юзасидан талаб қўйишдан олдин бартараф этилиши лозим бўлган таъмирта-лаб носозликлар юзасидан компанияга мурожаат қил-ганингизни расман ҳуж-жатлаштириб олишингиз зарур.

Агар бошқарувчи компания мурожаатин-гизни қабул қилишдан бош тортса, почта орқали юборганингиз маъқул – келгусида почта қвтанци-яси далил сифатида асқа-тиши мумкин.

Борди-ю, бошқарувчи компания мурожаатин-гиз асосида носозликлар бўйича далолатнома ту-зишдан бўйин товлаётган бўлса, уларнинг мавжуд-лиги тўғрисида бошқа бир-он ҳужжат расмийлашти-рилишига ҳаракат қилиш керак. Бу тураржой қури-лаши, уларни таъмирлаш соҳаси мутахассиси ишти-рокида амалга ошири-лиши ҳамда носозликлар акс этган фото-видео мате-риаллар илова қилиниши лозим.

Далолатнома тузаёт-ганда бошқарувчи компа-ния вакилини ҳам таклиф қилинг. Агар бунинг иложи бўлмаса ёки таклиф рад этилса, ушбу ҳаракат-лар бошқа ҳолис гувоҳлар, масалан, қўшниллар, ИИБ профилактика инспектори ёки маҳалла фаоллари иштирокида амалга оши-рилиши жоиз.

Шунда судда ҳақлигин-гизни исботлаш осон ке-чиши ва сизнинг фойдан-гизга қарор чиқиши мум-кин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Билдимки, умр ва дунёдан кўра тезлик ила кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзу хаёлдан кўра йироқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқдир. **Нажмиддин Кубро**

Суҳбат



РАМАЗОНДА кўп асрлик қадриятлар ужассам

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР ҳазратлари билан суҳбат

– **Ассалому алайкум, муфтий ҳазратлари! Аввало, халқимиз йил давомида орзиқиб кутадиган ушбу Рамазон ойида юмушларингиз кўп бўлишига қарамай, бугунги суҳбатга вақт ажратганингиз учун ташаккур. Яхши биламизки, юртимизда мухтарам Президентимиз томонидан ҳар йили шу муборак оини муносиб ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади, махсус қарорлар қабул қилинади. Айниқса, бу йил эътибор янада ортиб, бозорлардаги нарх-наволарда ҳам муборак оинининг файзу баракаси сезилиб туришини алоҳида таъкидладилар. Шундай экан, суҳбатимиз бошида айни кунларда Рамазон оини муносабати билан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз, марҳамат.**

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳ талога ҳамду санолар, Пайғамбаримизга салавоту саломларимиз бўлсин. Рамазон, ҳақиқатан ҳам, барча мўмин-мусулмонлар қалбига хурсандчилик олиб кирадиган ой. Айниқса, кейинги йилларда, гувоҳи бўлганимиздек, Янги Ўзбекистонда Рамазон ҳам, ҳайитлар ҳам ўзгача ўтляпти. Чунки мухтарам Президентимизнинг олдига қўйган энг катта шiori инсон қадрини юксалтириш. Бунди давлатимиз раҳбари 16 февраль кунди Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий химосясини янада кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишдан ҳам билиш мумкин.

Унда Юртбошимиз муборак ойда нурунйлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, оғир аҳволга тушиб қолган оиаларга амалий кўмак бериш эзгу қадрият эканини таъкидладилар. «**Рамазон – меҳр-муруват, аҳилик ва шукроналик оийи**» шiori остида ишлаб чиқилган эзгу ишларни амалга ошириш учун «Вақф» хайрия жамоат фондига 750 миллиард сўм ҳамда Ижтимоий химоя миллий агентлиги орқали 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Биласизми, бу меҳр-эътибор тудфайли қанча эҳтиёжманд оиаларга эса Рамазон ойини юксак инсоний қадриятларни кўриб турибмиз. Ахир бир пайтлар Рамазонни бу даражада кутмиш хаёлларига ҳам келмай ўтиб кетган қанча аждодларимиз бор. Рамазон ҳақида гапиролмай, ҳатто рўзадорлигини яшириб яшаб ўтишган улар. Бугун эса мана шундай фаровон, қадриятларимиз қадрланадиган даврда яшапмиз. Бу ҳам бизга Аллоҳнинг улуг бир неъматидир.

Тажрибам ва кузатишларимдан шу нарсани амикладимки, дунёнинг бирор мамлакасида Рамазон оини муносиб ўтказишга доир давлат раҳбарининг имзоси билан қарор чиқмас экан. Ҳурматли Юртбошимизнинг қарорларида эса Рамазон оини юксак инсоний қадриятлар асосида ўтказиш, қадимдан келаётган урф-одатларимизни эъзозлаш, ҳатто Рамазон оини саховат ойига айлантириш, мухтожлар, ногиронлар, толиби илмларга меҳр-муруват қўратиш каби қатор яхшиликлар акс этмоқда. Яъни, Рамазонни ҳам ибодат, ҳам меҳр-муруват ойига айлантиришдек эзгу гоя муҳассам бунда.

Ўз ўрнида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида ҳам Рамазонга пухта тайёргарлик қўрилди. Биласизми, мана, икки-уч йилдан бери дунёнинг бирор давлатида йўқ амалиёт бизда бўляпти. Бу йил таровехда 1760 та масжидимизда хатми Куръон бўлади. Бу нима дегани? Бу Куръонни бошидан охиригача, аввалидан охиригача намозда, таровехда туриб ўқиш, эшитиш имконияти дегани. Яқин-яқингача ҳам хатм санокли жойларда бўларди. Ҳозир республика бўйича ҳамма масжидларимизда Лайлатул қадр кечасида, 26-дан 27-га ўтар кечаси хатмона бўляпти, яъни хатм тугайди. Ўзбекистон бўйлаб Куръоннинг саҳифалари, жузлари, поралари хар кунди ва хар бир масжидда бир хил ўқилади.

Айтайлик, Қорақалпоғистонда бир масжидда таровехда қатнашган одам бирон юмуш билан Тошкентга келиб, пойтахтимизнинг ис-талган масжидига кирса, Куръони каримни ўша Нукусда келиб қолган жойидан эшитиб, давом этиб кетади. Бу тадбиримиз ҳам дунёнинг бошқа жойларида кузатилмайди. Аслида бу ҳам мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари. Ва бу ҳолатни кўрган, эшитган дунё уламолари хайрат ва ҳавас билан: «Ахир бу ер Имом Бухорийнинг юрти-да!» дейишмоқда.

– Ҳурматли муфтий ҳазратлари, бу фикрларингизни эшитиб, юртимиздаги файзу барака ҳам мана шу дуолар, халқимизнинг ҳамжихатлиги билан эканига амин бўламиз. Бозорларимиздаги тўкинчиликни кўриб, кўпчилик хайратга тушади. Шу билан бирга, тушуниб-тушунмасдан баъзи ҳамюртларимизнинг саҳарлик ё ифторликларни ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилиш ҳолатлари, айрим тадбиркорларимизнинг эса мавсумдан фойдаланиб нарх-наволарни оширишга уринишлари ҳақида эшитиб қоламиз. Бундай оғриқли масалаларга ҳам озгина тўхталиб ўтсангиз, менимча, фойдадан холи бўлмасди.

– Рамазон – риёзат оийи. Бу дегани нафсни тарбиялаб оладиган фурсат деганидир. Бу асло маишат ёки бойлик орттириш оийи эмас. Одам ўзи очлиқни ҳис қилса, бошқа қорни очни тушуна бошлайди. Айни пайтда қорни тўқ бўлиб юриш ҳам неъмат эканини англайди. Шундай экан, ифторликда ҳам, саҳарликларда ҳам маишатбозликка, дабдабозликка берилмаслик керак. Қолаверса, дастурхонини ижтимоий тармоққа жойлаш, бошқаларга кўрсатиш макруҳ иш. Эътибор қилинг, мўътатар китобларимизда ҳам кўчаларда, атрофдагиларга кўз-кўз қилиб таом ейишдан қайтарилганмиз. Қолаверса, бу бизнинг миллий маданиятимизга, ахлоқимизга ҳам зид.

Рамазон – закот, садақа, хайр-эхсон оийи деймиз. Айни саховатни, садақан билан жой-жойига бериш лозим. Хар хил дабдабозликлар кибр, манманликдан келиб чиқади. Бу эса гуноҳи азимдан бошқа нарса эмас.

Мана, юрт раҳбари ўзлари бош бўлиб битта анъанани йўлга қўйдилар. Хар йили аjoyиб бир ифторлик ташкил қилиб бераптилар. Ойлада, одатда ота бутун оила аҳлини, бола-чака, набираларини баъзи-баъзида бир дастурхонга тўпплайди. Нима учун? Меҳр – кўзда, деб. Чунки дийдорда гап қўл. Албатта, Юртбошимиз бош бўлган ифторликдан кўзланган маъно-мақсад ҳам шу. Ҳатто, унда бошқа дин вакиллари ҳам келиб қатнашади. Кам таъминланган оиалар вакиллари, беморлар, ногиронлиги бор бўлган юртдошларимиз, ҳатто аравачаларда келганлар бир жойга тўпланиб, юртнинг Отаси хузурида дийдорлашади. Ифторлик мана шунақа чуқур маънога эга бўлиши керак. Ифторликлар қадримизни, ўзаро оқибатимизни, бир-биримизга меҳримизни оширишга хизмат қилишни зарур. Уларни ихчам қилиб, кўпроқ мухтожлар ва етим-есирларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, уларнинг уйларида ўтказиб берсак, янада гўзал бўлади.

Рамазон оийида озиқ-овқат махсулотларини сунъий равишда қиммат қилиб юборишдан ҳам сақланиш керак. Мана, бу йил Рамазонда озиқ-овқат махсулотларини арзонлаштирилган нархларда сотувчи ярмаркалар ташкил этилди.

Озиқ-овқат савдоси билан машғул бўлган тадбиркорларимиз Рамазон оийи баракасидан умид қилишни керак. Барака нима дегани? Биз бошқа ойда 10 сўмлик фойда қилсак 10 сўмлик барака бўлса, рамазон оийида ўша 10 сўмлик савдомизнинг баракаси 100 сўмликдан кам бўлмайди. Бунда жуда гап қўл. Аксинча, тадбиркорларимиз бу ойда хар доимгидан-да арзонлаштириш пайида бўлишлари лозим. Бунда катта савоб, бекіёё барака бор. Қолаверса, бунинг яна бир эзгу жиҳати, одамлар рамазонни орзиқиб кута бошлайди.

Кўрпясизми, буни яхшилаб тушуниб, англаб олишимиз жоиз.

– **Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда юртимиз мўмин-мусулмонларига Ҳаж ва Умра сафарлари жуда гўзал тарзда ташкил этилмоқда. Ҳаж квоталари сони анчага ошган. Умра зиёратига бориб келиш эса йилдан-йилга осонлашяпти, арзонлашяпти. Лекин битта жиҳат одамни ўйлантиради. Ўзингиз ҳам яқинда бу мавзуда чиқишлар қилдингиз. Мен Умра ва Ҳаж зиёратларини кўз-кўз қилиш, муборак масканларда мусулмон аҳлига жоиз бўлмаган ҳолатларнинг бўлиши, ижтимоий тармоқлардаги ноўрин чиқишларни назарда тутмоқдаман. Назаримда, бу муқаддас зиёратларга хар бир мусулмон аввал руҳан ва қалбан тайёр бўлишга эътибор қаратмоғимизга эҳтиёж мавжуддек кўринади. Сиз бу ҳолатларга нима дейсиз?**

– Одамзод баъзан ўтмишни унутиб кўяркан. Баланд тоғда яшаётган одам ўша тоғнинг салобатини тўла ҳис қилмагани каби... Узоқдан кўрганлар эса: «Ҳа, бу тоғ ҳайбатли», деркан. Биз мисоли неъмат тоғларининг чўққисид а яшаб, баъзида ношукрлик қилиб қўйяпмиз. Бунди тан олишимиз керак. Айниқса, мана шу Ҳаж ва Умрада. Бир пайтлар юртимиздан Ҳаж зиёратига саноклигина одам борган. Умра тўғрисида тугал тасаввуринг ўзи бўлмаган. Ҳозир мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан хар йили 15 000 одам Ҳажга боряпти.

Ҳаж – фарз амал. Лекин кимга, қачон фарз бўлади? Иқтисодий имкони етарли бўлган, Ҳажга сарф қилса ва кетса, бола-чакаси қийналиб қолмайдиган, бориш-келиш йўли очик, зиммасидаги бошқа масалалардан қутулган бўлса, бу одам Ҳажга бориши фарз бўлади.

Ёки, мана олинг, бир одамга рамазон оийида шифокорлар: «Сиз рўза тутсангиз, соғлигингизга зарар етади», деса, у одам рўза тутмаслиги лозим. Агар ўзининг саломатлигига зиён етишини билиб ҳам рўза тутса, у шу иши учун гуноҳкор бўлади. Чунки бунда жонига қасд қилиш, соғлигини хатарга қўйиш бор. Ҳаж ҳам худди шундай – агар соғлиги ёки бошқа сабаб билан киши Ҳаж қилолмаса, эртага қиёматда узрли саналади. Ҳамма имкони бўлган одамга ҳам Ҳаж бир мартагина фарз қилинган.

Умра эса суннат амал. Лекин бу ҳам имконияти бор одамга. Баъзилар жонини жаб-борга бериб, қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам бориш ёки ота-онасини юбориш ҳаракатида бўлмоқда. «Фалончи юбордини, мен ҳам юборишим керак», деган тушунча тарқалган. Бу қандай гап?

Бизни ҳам ташвишга солаётган, ўйлантираётган нарса – аслида юртимиз номидан бораётган ҳамма ҳам маънавий тайёрийи шу ибодатга? Кечирасизу, жуда кўплар қаерга, нима учун бораётганини яхши ҳис қилмаяпти. Бориб, ўзини суратга олиш билан овора. Масалан, кимдир онасини олиб боряпти-да, ҳаммага кўрсатиб, видеога олиб, ўша жойда оёғини ўпиб: «Онажон, мендан розимисиз, шу ерга олиб келганимга?» деяпти. Саҳна зўр. Ҳамма кўрса, ҳавас қилади. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу ёқда онаси бемор бўлиб, унинг дори-дармони учун зўрга пул топаётган йигитнинг қалбига ханжар уряпти-ку у. Бошқа бир йигит буни кўриб, ўз волидаси ёки отаси олдида ўзини жуда нукулай сезмайдими? Бу, аслида оддийгина, хар бир инсон тушуниши, англаши лозим бўлган жиҳат.

Кейин нима бўлади, бояги ночор йигит «Нима учун бу йигит қилган нарсани мен қила олмайман», деб ўзини ўтга-чўққа уриб бўлса ҳам шу ишни қилишга киришяпти. Ҳолбуки, Пайғамбар алайҳиссалом: «Жаннат оналар оёғи остидадир», дея ота-онани рози қилиш билан жаннатга кириш имконияти масофаларга, сафарларга боғлиқ эмаслигини айтиб кетганлар.

Қолаверса, «Қайси амални қилсам, кўпроқ савоб бўлади?» деган ниятдаги одамга Пайғамбар алайҳиссаломнинг яна бир ҳадислари

бор. У зот: «Бир мусулмоннинг дунё ташвишини кетказиш учун бир қадам босиш менинг масжидимда, яъни Масжиди Набавийда бир ой эътикоф ўтиришдан яхшироқ», деганлар.

Шундай экан, киши ортиқча маблаг топса, уни бир яқини, қўшниси ё кам таъминланган, хасталиги бўлган кишиларга йўналтирса, юқоридаги ҳадисга мувофиқ иш тутган бўлади. Савоби чандон-чандон кўпроқ бўлади. Модомики, гап очилган экан, шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, илмга чанқоқ ёшларимиз кўп, лекин ҳаммасининг ҳам нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш имкони йўқ, шуларга саховат қилинг, савобнинг тагида қоласиз, биродарлар. Ўзингиз илм олган мактабадир, институтгадир 4 та яхши китоб совга қилинг, бунинг-да савоби бисёр.

– Самарқанд вилоятида Имом Бухорий зиёратгоҳининг бутунлай қайта қурилиши ёки Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши тарихий воқеаларга айланди. Хар иккала гўзал иншоот моҳиятида ота-боболаримизнинг ҳам Исломга, ҳам дунё тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси акс этиб турибди. Бизнинг мана шу икки иншоот, менинг назаримда, ҳам зиёлиларимизнинг, ҳам уламоларимизнинг қалбларига катта гурур-ифтихор беради. Айни пайтда зиммамизда жуда катта масъулият борлигини ҳам эслатиб туради. Бу бизнинг мана шу улуг меросимиз, аждодларимизга муносиб бўлиш, зиммамизга улуг ниятлар, баланд режаларни олиш. Шундай эмасми, ҳазрат?

– Имом Бухорий ҳазратларининг муборак марқад (мақбара, даҳма)лари узра қайта бино қилинган мухташам мажмуа, Ислом цивилизацияси маркази – булар нафақат Ўзбекистон халқи учун, балки мусулмон уммати учун ҳам мухтарам Президентимиз томонидан тақдим этилган ноёб туҳфа, деб биламан. Чунки бу мажмуалар фақат бизга эмас, бутун умматга хизмат қилади.

Президентимиз доим бир гапни айтади: «Бино қуриш – масаланинг бир жиҳати. Ундан-да муҳимроқ масала – унинг ичини мазмун билан тўлдириш. Ўнлаб масжидлар қурмоқдамиз, минг шукр, лекин унинг меҳроб-би-чи, меҳробида турган даъват, у ердаги маънавият нима бўляпти?». Шу каби саволлар билан у киши доим бизни сергаклантириб турадилар. Шунга биноан Ислом цивилизацияси марказининг ичкарисини ҳам унинг ташқи маҳобатига яраша қилишга эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари бир анжуманда «Биз бебаҳо меросимиз билан фахрланамиз, аммо улуг аждодларимизни етарлича ўзимиз ҳам билмаймиз. Нима учун Имом Бухорий зиёратгоҳи, Ислом цивилизацияси маркази қурилиши узоқ давом этияпти? Биласизларми, биз бу икки муазам иншоотни шундай ният билан қурмоқдамизки, токи унга кириб чиққан хар бир хорижлик бу миллатга, бу заминга таъзим қилсин. Мана шунда биз улуг аждодларимизнинг юксак мартабасини кўрсата олган бўламиз», деган гапни айтдилар.

Имом Бухорий ҳазратлари қандай улуг зот бўлганини ҳаммамиз ҳам билмас эдик. Ул зот ўз ватанимда қадр топаман, унга хизмат қиламан, деб қайтиб келганларида ҳам уни қадрламадик. Ўз юртида турли фитналарга дуч келди. Ва алалоқибат Самарқанд музофо-

тининг Хартанг қишлоғида оламдан ўтдилар. Демак ўтган юз йилликлардан кейин ҳам ҳали бу буюк бобомизга муносиб ҳурмат кўрсата олдик, дея олмаймиз. Мен мана шу бунёдкорликни кўп бор кузатиб келган инсон сифатида айта оламанки, Шавкат Миромоновичдек миллати, Ватанини бу қадар юракдан сева оладиган бошқа одамни кўрмадим.

Мухтарам Президентимиз Имом Бухорийнинг ҳақиқий қадрини қайтарди. Шундай қилиндики, мажмуага кирганлар Имом Бухорийни нафақат зиёрат қилсин, балки ул зот қолдирган улкан илмий ва маънавий меросни ўргансин, деб ёнида бир гўзал музей барпо этилди. Аниқроғи, оддий музей эмас, катта бир илмий мажмуа бунёд бўлди.

Ўтган йили Мухтарам Президентимиз бизга Имом Бухорий орденини бердилар. Ичимда бир гап бўлдики, аслида мана шу Имом Бухорий орденига лойиқ зот, аввало, мухтарам Юртбошимизнинг ўзлари. Чунки муносиб хизматни У кишининг ўзлари қилмоқдалар.

– Ҳурматли муфтий ҳазратлари, суҳбатимиз якунида муборак ой остонасида халқимизга, юртимиз мўмин-мусулмонларига кўнглингиздан кечаётган тилакларни билдирсангиз.

– Рамазон – бу Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган ой. Айниқса, ўша саҳарлигу ифторлик пайтларида дуолар мустажоб бўлади. Шундай экан, бу ойда кўп-кўп дуо қилиш керак. Қилинаётган хайрли ишларни, яхшиликларни тилга олиб, лоқайд ё ношукр бўлаётганларга англашиб ҳам туриш лозим. Мен муфтий ўлароқ илтимос қилган бўлардимки, юртдошларимиз дуоларида халқимизни, Ватанимизни ҳам дуо қилсинлар. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки, агар бир одам гоийбдан бир дўстига, бир биродарига дуо қилиб: «Аллоҳим, унга барака бер, умр бер, ризқ бер, мол-дунё бер, бахт бер», деса, бир фаришта дуо қилиб: «Ўша нарсадан сенга ҳам икки ҳиссаси бўлсин», деб тураркан.

Иншааллоҳ, мен халқимиздан умид қиламанки, ифторлик ва саҳарликларда ҳурматли Юртбошимиз ҳақларига, давлатимиз раҳбари ҳақида, халқимиз ва гўзал Ватанимиз ҳақида дуо қиладилар. Ўша дуо қилаётганлар ичида дуоси ижобат бўладиганлар бисёр. Бунинг исботини ёғингарчилик сўраб дуолар қилганимизда кўридик. Агар халқимиз биргалашиб саҳарлик ва ифторликларда юрт, Ватан, Юртбоши ҳақида дуолар қилаверса, юртимиз равнақи, фаровон қуларимиз бундан-да зиёда бўлиши шубҳасиз. Рамазондаги энг катта ютуғимиз ҳам мана шу саҳарлик ва ифторлик кезларида қилган хайрли дуоларимиз билан бўлади, иншааллоҳ.

– Катта раҳмат, муфтий ҳазратлари. Бугунги суҳбатингиздан кўп минг сонли газетхонларимиз катта маънавий қувват оладилар, деб ишонаман. Бошланган муборак ой кутганимиздан-да файзли, ҳақиқий муруват ва саховат оийи бўлсин. Юзларимизни Яратганининг Ўзи икки оламда ҳаминша ёруғ қилсин. Сизга ҳам сиҳат-саломатлик, ишларингизга барака ва ривож тилаймиз.

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист Хусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР ҳазратларининг «ISHONCH» даъватидаги суҳбатини

«Ishonch»нинг  YOUTUBE даги саҳифасида батафсил кўринг:

Орамиздаги одамлар

У уйдан ишхонасигача бўлган 300 метрлик йўлнинг ҳар қаричини яхши билади. Хоҳ ҳассаси, хоҳ оёқлари билан бўлсин, ерни пайпаслаб, қаерда эканини сезади. Эшитиш аъзоларига таяниб ҳам йўналишини белгилайди. Ана, автоуловлар товуши тобора кучая-япти. Демак, озроқ юриб, чапга қайрилиши керак.

Телефонидан «Сизга Очилбек Мавлонов кўнги-роқ қиялпти», деган сўзлар янгради. Шерзод керакли тугмани босиши билан со-бик ўқувчисининг овози эши-тилди: «Устоз, сизни йўқла-гим келди, менда ҳаммаси жойида, курсдошларим ёр-дам беришяпти, ўзингиз айт-моқчи, дунёда яхши одамлар кўп экан...».

Шогирди билан икки дақиқалик суҳбат муаллим-нинг хаёлида ўтмиш хотирала-рини жонлантирди.

Болалиги Зомин тумани Қултепа қишлоғида ўтган Шер-зод Абдусатторов мактабга бор-ғунига қадар кўриш қоби-лятини сустилигини билмаганди. Дос-қадаги ёзув-ларни кўр-маётган и-ни-сез-ган

канидан радиосини очиб, бар-моқлари ёрдамида муаммо са-бабини топди. Сим узилиб қол-ган экан, сақич ёрдамида улаб қўйди. Шу-шу радиосидаги ун-ча-мунча камчиликларни ўзи бартараф этадиган бўлди.

Болалиги мактаб-интер-натда кечгани боис кўп хотира-лари ўша маскан билан боғлиқ. Тенгдошлари билан беозор шўхликлар қилгани, самимий тортишувлар, ҳовлидаги да-рахтларга пайпасланиб чиқиб, кўксултон терганлари ҳеч қа-чон эсидан чиқмас керак.

Танасига қизилча тошиб кетганида овқат ея олмай қол-

молиддин билан бирга кутуб-хонага борарди. У китобларни баланд овозда ўқир, Шерзод эшитганларини эслаб қоларди.

Талабалик йиллари, курсдошлари айтмоқчи, «ол-тин давр» бўлган. Сабқдош-ларининг уйида меҳмон бўлди, тўйларида қатнашди, Са-марқанд, Хоразм, Бухоро каби шаҳарларга саёҳат қилди.

Асосийси, астойдил ўқиди. Натижада 2006 йилда магис-тратурага қабул қилинди. Ўша йили Жиззах шаҳри-даги «Нурли маскан» ихтисос-лаштирилган мактаб-интерна-тига ишга кирди. Шундан бери ушбу даргоҳда қўришида нуқ-сони бор болаларга тарих фанидан дарс беради.

Қувонгани, ҳар йили бир нечта ўқувчи олиқ ўқув-ю р т -ла р и



ўқитувчиси отасига уни ши-фокорга кўрсатишни тавсия қилди.

Пойтахтда ўтказилган жар-рохлик амалиёти наф бермади. Гаукома... Бу ташхис худди ҳукмдек Шерзоднинг тақ-дирини ўзгартариб юборди. Отаси уни Самарқанд шаҳри-даги 59-қўзи ожиз болалар мак-таб-интернатига олиб боришга қарор қилди.

Аввалига қийналди. Соғинч ҳисси юрагини эзарди. Меҳри-бон ва самимий онаси, унинг учун жонини бағишлашга тайёр, содда ва меҳнаткаш отаси, ака-опалари, ҳисобсиз дарахтлари сабаб илиқ фасл-ларда ям-яшил тусга киради-ган қишлоғи тушларига ки-риб чиқарди. Ҳеч кимга кўр-сатмасдан, бурчакда йнглаган пайтлари бўлди.

Кўп ўтмай тонгги жисмо-ний машқлар, дарс ва машғу-лотлардан иборат кун тарти-бига қўниқди. Аммо кўзлари тобора хиралашиб бораёт-ганди. Алалоқибат 14 ёшида мутлақо кўрмай қолди.

Қачондир шундай бўли-шини билгани учунми, унча-лик қайғурмади. Эътиборлиси, танаси бу йўқотиш ўрнини унинг бошқа қобилиятларини кучайтириш йўли билан қо-плади. Бинобарин, эшитиш, ёдда сақлаб қолиш салоҳияти, қўл ва оёқ сезгилари анча ку-чайди. Қўчада оёқ қафтлари бо-силган ерни ҳис қилар, ёдида сақлаб қоларди. Бино ичида ўз қадами товушларига таяниб, йўналишини осон топарди.

Эрмаги радио эшитиш эди. Бир сафар сеvimли овунчоғи бузилиб қолди. Шерзод зерик-

гани-чи! Ўшанда мактаб ҳам-шираси Муҳаббат опа берган равоч сабаб иштаҳаси очилиб, тузалиб кетганди. Шундан бери равоч таъми ўқувчилик йилларини ёдига туширади. Биров билар, биров билмас, қўзи ожизлар бармоқ билан ўқишади. Мамлакатларнинг ха-ритидаги шаклини қабариқли қоғозлар, бино ва бошқа йирик жисмларга онд маълумотларни макетлар ёрдамида ўзлаштири-шади. Қисқаси, уларга дарс бе-радиган муаллимлар зимма-сида таълим-тарбия беришдан ташқари, кўзларсиз яшаш сир-ларини ўргатишдек мураккаб вазифа ҳам бор.

Табиийки, мазкур юмуш устозлардан икки қарра ма-тонат ва сабрни тақозо этади. Зеро, бундай муассасаларда дарс берадиганларнинг акса-рияти кўриш қобилиятидан маҳрум инсонлар. Шу маънода, улар болаларнинг онгида кеча-ётган туғёнларни яхши англай-дилар ва тушқунликка тушмас-лиқни, ҳаётни севишни, ҳар лаҳзадан завқ туйиб яшашни ўргатадилар.

Шерзод ана шу некбин ва меҳрибон устозларига ҳавас қи-либ, Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Би-рол тортинчоқ ва жиддий бўли-шига қарамасдан, ҳамма билан тез чиқишиб кетди. Курсдош-лари уни авайлашар, ҳар қан-дай ҳолда ўзини ноқулай сези-шига йўл қўйишмасди. Жум-ладан, Шариф 4 йил давомида унинг кўзлари бўлди. Эрталаб дўстининг қўлидан тутиб, инс-титутга олиб келар, дарсдан кейин ижара уйига олиб бориб қўярди. Яна бир курсдоши Ка-

талабалари сафидан жой ол-моқда. 6 нафар шогирди эса ўзи билан бир жамоада фаолият юритмоқда. Қолаверса, Шер-зод Абдусатторов ўтган йили 88 балл жамғариб, олий тои-фали ўқитувчилар қаторига қў-шилди. Бу унинг ойлигига кў-шимча 70 фоизлик устама бел-гиланишига асос бўлди.

Шу каби ютуқлари боис Шерзоднинг жамоада хур-мати баланд, 2022 йилдан бўён мактаб қасаба уюшма қўмитаси раиси, яъни ҳам-касблари яхши-ёмон қунала-рида таянадиган энг ишончли инсонга айланган. Айтганча, у 2008 йилда уйланди. Ҳозир икки ўғил, бир қизни тарби-ялаяпти. Иш ҳақини тўплаб, 2012 йилда 3 хонали квартира сотиб олди.

Жисми соғлом бўлишига қа-рамасдан, ҳаётда ўрнини топа олмаётганлар, бировдан қўмак кутиб яшаётганлар билан қиёс-ласангиз ҳамда Шерзод эриш-ган натижаларни жасоратга менгзасангиз, у хикоятлар тор-тади. Кейин «Шукур» сўзини шундай самимийлик билан айтдики, сабрига, иродасига қойил қоласиз.


Хонадан ўқитувчининг паст овози эшитилапти. У Жа-лолиддин Мангубердиннинг қаҳрамонликлари тўғрисида сўзлаяпти. Ёш қалбларни ҳай-рат ва жўшқинликка уйғун ҳис-лар тўлдирганини ўқувчилар-нинг вукуди қулқоқка айланга-нидан сезиш қийин эмас.

Шерзод муаллим дарс ўтаяпти...

**Алижон
АБДУСАТТОВОВ**
«ISHONCH»

Яхши дўсти борнинг ойнага эҳтиёжи йўқдир.

Жалолоддин Румий



Технологиялар асрида яшаяпмиз. Инсоният тарихида ҳеч қачон ҳозиргидек та-раққиёт, ахборот оқими ва рақамли муҳит бир жойга жам бўлмаган. Смартфон, планшет, компьютер, турли гаджетлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, интернет оддий алоқа воситасидан таъсир майдонига айланди.

Бир томондан бу инсонга мислсиз имкониятлар берди. Хусусан, ёш авлод энди истаган пайтда билим олиши, дунёнинг нариги чеккасидаги воқеалардан хабардор бўлиши, онлайн курсларда ўқиши, янги тилларни ўрга-ниши мумкин. Айниқса, телефон на-фақат катталар, балки болаларнинг ҳам энг яқин «ҳамроҳи»га айланди. Аммо бу кўпинча уларни номаълум, хавфли ва за-рарли йўللарга бошламоқда.

Дарвоқе, ижтимоий тармоқларда зарарли контентлар бисёр. Зўравон-лик, шафқатсизлик, ахлоққа зид кўр-сатув-лавҳалар онгга бевосита таъсир этади. Бола кўпинча буни англамай нормал ҳолат сифатида қабул қилади. Шу боис кўплаб ота-оналар бугун жид-дий хавотирда. Улар фарзандлари қў-лида телефон қўришни одатий ҳолат деб билсалар-да, ич-ичидан қурилма қандай хавф-хатар туғдиришини ўйлаб, ташвишга тушибомқда. Чунки ҳеч ким фарзанди ижтимоий тармоқларда фақат фойдали видеоларни кўради, зарарли материалларга дуч келмайди, деб қафо-лат беролмайди. Ота-онанинг кўркуви асоссиз эмас – замоннинг оғир синови.

Мутахассислар, психологлар, педагог-лар бонг ураётганидек, айрим видеолар, ўйинлар, «вайн»лар, трендлар боланинг тарбияси, руҳияти ва ички дунёсига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Ху-сусан, болалар учун мўлжалланмаган контент, зўравонлик саҳналари уларда ишончсизлик, ўзига паст баҳо бериш, тушқунлик ва ҳатто умидсизликни кел-тириб чиқармоқда.

Ижтимоий тармоқларда «идеал ҳа-ёт»ни кўрсатиш ҳолати шаклланган. Кўпчилик ўзининг энг яхши лаҳзала-рини, чиройли суратларини, бахтли он-ларини намоиш этади. Бола ўз ҳаётини солиштиради ва ўзини омадсиз ҳис қи-лиши унинг психологик ривожига жид-дий зарар етказиши. Ушбу муаммо шун-чаки шахсий ёки оилавий эмас, жамият, миллат, давлат келажига дахлдор маса-ладир. Чунки бугунги бола эртанги кун мутахассиси, ота-онаси, раҳбаридир. Агар руҳияти ҳозирдан жароҳатланса, вақти келиб, бу бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатади.

Кўплаб ривожланган давлатлар ушбу масалага жиддий ёндашмоқда. АҚШда ўтказилган илмий тадқиқотларга кўра, кунига уч соатдан ортиқ ижтимоий тар-моқлардан фойдаланадиган 13-17 ёшдаги ўсмирлар депрессия, хавотир, ваҳима каби руҳий муаммоларга икки баробар кўпроқ дуч келмоқда. Бу оддий статис-тик маълумот эмас, жиддий хавфнинг рақамларда акс етишидир.

Бошқа тадқиқотлар эса янада даҳшат-лироқ ҳулосаларни бермоқда. Айрим ҳолларда ижтимоий тармоқлар ўсмир-

ларда кучли психологик зўриқиш, ёлғиз-лик, ўзини кераксиз ҳис қилиш ва ҳатто ўз жонига қасд қилиш фикрларини уйғо-тиши мумкин. Айниқса, руҳияти заиф, оилавий муаммолари бор ёки ёлғиз-ликдан азият чекаётганлар учун жуда хавфли.

Бундан ташқари, экран қаршисида кўп ўтириш, уйқудан олдин телефон ишлатиш боланинг миясини доимий кўзгалган ҳолатда ушлаб туради. Оқи-батда тинчлана олмайди, уйқуси бузи-лади, асаб тизими чарчайди. Экран нури мелатонин гормонини камайтириши ор-тидан уйку сифати пасайиши тиббиётда тасдиқланган. Уйқусизлик диққатнинг сусайиши, хотира ёмонлашуви, тушқун-лик каби муаммоларни келтириб чиқа-ради. Шунинг учун кўплаб давлатлар кес-кин чоралар кўришга мажбур бўлди. Ни-дерландия 15 ёшгача бўлган болаларга «ТикТок», «Инстаграм» каби платформа-лардан фойдаланишни тақиқлади. Буюк Британия мактабларда дарс жараёнида телефон ишлатишни бутунлай ман этди.

Австралия дунёда биринчи бўлиб 16 ёшгача бўлган болалар учун ижти-моий тармоқлардан фойдаланишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Унга кўра, ижтимоий тармоқ операторлари фойдаланувчилар ёшини қатъий текши-риш тизимини жорий қилиши, 16 ёшдан кичикларнинг аккаунтларини блоклаши шарт.

АҚШнинг Флорида штатида 16 ёшгача бўлган болаларга ижтимоий тармоқлар-дан фойдаланишни тақиқловчи қонун қабул қилингани кўплаб баҳсларга сабаб бўлса-да, хавфсизлик нуқтаи назаридан зарур чора сифатида баҳоланди.

Хитой эса ўзига хос йўлни танлади. Болаларнинг руҳий ва жисмоний соғ-лиғини ҳимоя қилиш мақсадида уларга кунига бир соатдан ортиқ онлайн ўйин ўйнаш тақиқланган.

Франция аввал 15 ёшгача бўлган болаларга ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтиш учун ота-она розили-гини мажбурий қилди. Энди 15 ёшгача бўлганлар учун ижтимоий тармоқлар-дан фойдаланишни бутунлай чеклашни режалаштирмоқда.

Долзарб мавзу

ВИРТУАЛ ОЛАМ ТУЗОҒИ

ундан ёш авлодни қандай асраш мумкин?

Шу қунларда Португалия парламенти болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий тар-моқлардан фойдаланишини чекловчи қонун лойиҳасини маъқуллаган. Унда 13-16 ёшли ўсмирлар учун ота-онанинг тас-диқланган розилиги талаб қилиниши, 13 ёшдан кичиклар учун эса мавжуд тақиқларни кучайтириш қўзда тутил-ган. Лойиҳада болалар ёшини текшириш учун Digital Mobile Key (СМД) тизими жо-рий этилиши режалаштирилган. Белги-ланган талабларни бузган платформалар даромадининг икки фоизигача жаримага тортилиши маълум қилинган.

Марказий Осиё давлатлари ҳам беварқ эмас. Қозғистонда 16 ёшдан кичиклар-нинг ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтишини чекловчи қонун лойиҳаси муҳо-кама қилинаётгани минтақада муаммо жиддий эканини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳам жараёндан четда қо-лаётгани йўқ. Ўтган йили Олий Маж-лис Сенатида вояга етмаганларга нисба-тан интернет орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиқни кучайтириш масаласи муҳокама қи-линди. Бу давлатнинг болалар хавфсиз-лигига беварқ эмаслигининг исботидир.

Бироқ фақат тақиқ ва чекловлар билан муаммони тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Психологлар, аввало, ота-оналарнинг ўзи рақамли маданиятни ўргатишни керакли-гини таъкидлайди. Чунки бола кўпинча ота-онасидан намуна олади. Агар улар доим телефон билан банд бўлса, фарзанд ҳам шундай йўл тутади. Қуш уясида кўр-ганини қилади, деб бежиз айтишмаган.

Шунингдек, болаларда танқидий фикрлаш, ахборотни саралаш, нотўғри маълумотни аниқлаш қўникмаларини ривожлантириш зарур. Финляндия, Канада каби давлатлар мактабларида «Медиа са-водхонлик» дарслари жорий қилинган. Бундан ташқари, мактаб, оила ва давлат биргаликда ҳаракат қилиши керак. Ота-она болани қузағи бориши, мактаб унга тўғри йўл кўрсатиши, давлат эса қонуний ҳимоя механизмларини яратиши лозим.

Мактабларда миллий ўйинларни тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия фанига киритиш керак. Бу соғлиқ учун ҳам фойдали. Шунингдек, болаларга мўл-жалланган адабиётлардан кўпроқ фойда-ланиш лозим. Бугун болалар наشرлари аксарият мактабларга етиб бормаслиги ҳақиқат. Уларнинг обунасини ташкил этиб, ўқувчиларни муталаага қизиқти-риш жоиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Азамат Шарипов ижросида

«БАҲОР КЕЛГУНЧА...»

Қўшиғи

Ҳар баҳор чокидан сўкилар йиллар,
Тириклик йўлидан тўкилар йиллар,
Умр карвонига қўшилар йиллар,
Ким бор, ким йўқ яна баҳор келгунча.

Эълон

Тошкент вилояти ИИББ томонидан 2016 йил 29 февралда Пайзуллаев Рус-там Ортиқхўжаевич номига берилган 12018-рақамли Пенсия гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navo'iy viloyati – (+998-90) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:10

Topshirildi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta

Shundan: 6 701 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 426 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-211**

1 2 3 4 5 6